

---

## “ҲОКИМ ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ”

Марғилон шаҳридаги 10-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида «Ҳоким ва ёшлар учрашуви» тадбири ташкил этилди.

Шаҳар ҳокими Ш.Нисбатхонов ёшлар билан очиқ мулоқотга киришар экан, эртამиз эгалари бўлган ўғил-қизларга бутун мамлакатимизда бугунги кунда яратиб берилётган имкониятларни алоҳида эътироф этиб ўтди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтказилган тадбирда ташаббускор ёшлар ўзларининг банк кредитлари, бандлик, субсидия асосида тикув машиналари олиш, тадбиркорликни бошлаш учун ер ажратиш каби муурожаатлари, таклифлар ҳамда муаммолари билан шаҳар ҳокимига тўғридан-тўғри муурожаат қилдилар.

Қўйилган масалаларнинг аксарияти жойида ҳал этилди. Кредит олиш ва ишга жойлашиш истагидаги ёшларнинг муурожаатлари банк ва бандлик мутасаддиларига йўналтирилди.

Муддат талаб этилувчи муурожаатларни ўрганиб, ҳал этиш юзасидан шаҳар ҳокими соҳа мутасаддиларига тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берди.

2024-07-19 13:07:28